

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ГАФУРОВА НОДИРА МИРҲОСИЛОВНА

**АКАДЕМИК ЛИЦЕЙЛАР ФАОЛИЯТИНИ АХБОРОТ -
КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ АСОСИДА БОШҚАРИШ
ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.06 – Электрон таълим назарияси ва методикаси

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) on
Pedagogical Sciences**

Гафурова Нодира Мирхосиловна

Академик лицейлар фаолиятини ахборот-коммуникация технологиялари асосида бошқариш тизимини такомиллаштириш.....5

Гафурова Нодира Мирхосиловна

Совершенствование системы управления деятельностью академических лицеев на основе информационно-коммуникационных технологий.....

Gafurova Nodira Mirhosilovna

Develop a system for managing the activities of academic lyceums based on information and communication technologies.....

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Ped.26.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ГАФУРОВА НОДИРА МИРҲОСИЛОВНА

**АКАДЕМИК ЛИЦЕЙЛАР ФАОЛИЯТИНИ АХБОРОТ -
КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ АСОСИДА БОШҚАРИШ
ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.06 – Электрон таълим назарияси ва методикаси

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.4.PhD/Ped 699 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Тошкент давлат педагогика университети веб-сайти (www.tdpu.uz) ҳамда "ZiyoNET" ахборот-таълим порталида (www.ziyo.net.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Бегимқулов Узоқбой Шонимқулович** педагогика
фанлари доктори, профессор

Расмий ошнентлар: **Арипов Мирсад Мирсиддиқович**
физика-математика фанлари доктори, профессор

Шарипов Шавкат Сафарович
педагогика фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **Тошкент ахборот технологиялари университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги педагогика фанлари бўйича илмий даража берувчи PhD) 27.06.2017. Ped.26.01 рақамли Илмий кенгашнинг «14» сентябр 2020 йил соат 10.00 даги мажлисида бўлиб ўтади (манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-76-51; e-mail: tdpu_kengash@edu.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (375 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-76-51.

Диссертация автореферати 2020 йил «14» 09 кун тарқатилди.
(2020 йил «14» 09 даги 76 - рақамли реестр баённомаси)



Р.Х.Жўраев
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, п.ф.д., академик.

Р.Г.Исмаилов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, п.ф.н., доц.

Н.А.Муслимов
Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, п.ф.д., проф.

Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Мавзунинг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда таълим тизимини ахборот ва телекоммуникация технологиялари билан тизимли интеграциялаш ҳамда уни бошқариш тизими таълим жараёнига татбиқ этилган. Европа давлатлари, Россия, Жанубий Корея, Япония, Малайзияда дидактик жараёнларни ахборотлаштириш, интеграллашган ахборот-таълим муҳитини шакллантириш, рақамли иқтисодиёт шароитида таълим жараёнининг модернизациялашган электрон дидактик таъминотини яратиш механизмларини амалиётга жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда шахсга йўналтирилган электрон таълим муҳитини шакллантиришнинг стратегик йўналишларини аниқлаш, педагог кадрларнинг илмий салоҳиятини мунтазам ривожлантириш, интеграциялашган ахборот таълим муҳитида таълим муассасалари фаолиятини ахборот-коммуникация технологиялари асосида бошқариш, таълим жараёнини ахборотлаштиришнинг электрон дидактик таъминотини яратиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шу билан бирга, таълим муассасаларини бошқариш динамикасини кузатиш механизмларини такомиллаштириш, виртуал таълимнинг педагогик имкониятларини аниқлаш, таълим муассасаларининг ягона электрон ахборот тизимини яратиш, ўргатувчи компьютер дастурларининг янги авлодини яратиш бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Республикамизда таълимга интернет технологияларини жорий этиш, таълим муассасалари фаолиятини ахборот-коммуникация технологиялари асосида бошқаришнинг ҳуқуқий-меъёрий асослари ишлаб чиқилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 18 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикаси ягона ахборот сиёсати концепцияси тасдиқлаш тўғрисида»ги ПҚ-8050-сон Қарори республикада ахборотлаштириш сиёсатини жадал олиб боришга имкон яратди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йилнинг 14 мартдаги «Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорида академик лицейларда таълим-тарбия ва бошқарув жараёнларини замонавий ва самарали олиб бориш ҳамда академик лицейлар учун давр талабига жавоб бера оладиган таълим мазмуни ва ўқитиш методларини ишлаб чиқишга оид устувор вазифаларни белгиланди. Натижада, таълим соҳасида олиб борилаётган туб ислохотларни амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари яратилди ва ўрта махсус, касб-хунар таълиминини ахборотлаштириш учун шароит яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасининг янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон, 2018 йил 25 январдаги «Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-хунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 5313-сон фармонлари, 2017 йил 26 сентябрдаги «Олий таълим муассасаларига кириш учун номзодларни мақсадли тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги ПҚ-3290-сон Қарори ҳамда мазкур

фаолиятга оид бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикамизда таълим тизимига ахборот-коммуникация технологияларини (АКТ) жорий этиш ва уни бошқариш бўйича тадқиқотлар А.Х.Абдуллаев, А.А.Абдуқодиров, А.Р.Арипджанова, М.Арипов, Ш.С.Ахраров, Б.Бегалов, У.Ш.Бегимқулов, Ф.М.Закирова, Н.М.Тайлаков, Р.Г.Исянов, М.Х.Лутфуллаев, А.М.Магруппов, Ш.С.Шарипов, Р.Ҳ.Ҳамдамов, С.С.Ғуломов, Д.Н.Маматов, А.Р.Мараҳимов, С.Турсунов, М.Файзиева, Т.Т.Шоймардонов, Р.Х.Джураев, Г.А.Абдурахманов, З.Аббасов, Р.Ш.Ахлиддинов, Н.Н.Азизходжаева, Ю.М.Асадов, Ш.Э.Курбанов, У.И.Иноятов, С.Т.Тургунов, Н.Г.Юсуфбекова, М.А. Юлдашев, Э.А.Сейтхалилов, Я.Ў.Исмадияров кабилар томонидан амалга оширилган.

МДҲ мамлакатлари олимлари: Л.И.Анциферов, В.А.Извозчиков, М.П.Лапчик, А.В.Смирнов, Н.Ф.Ильина, А.Н.Майоров, Л.В.Барт, А.Р.Сафиуллин, С.Е.Егорова ва бошқалар ўз тадқиқотларида таълимда компьютер технологияларидан фойдаланишнинг назарий ва методик масалаларини ёритган. Бошқаришнинг илмий масалалари Р.Л.Дафт, М.Мескон, М.Альберт, Ф.Хедоури, А.Файоль, П.Друкер, Ф.У.Тейлор, В.Ю.Злигостев, О.А.Хижинская, М.Уорнер, А.И.Кравченко ва бошқ. томонидан тадқиқ этилган.

Ахборот технологиялари, педагогик мониторинг, креатив салоҳиятни ривожлантириш, масофавий малака ошириш шакли каби масалалар Adam Swinyard, Niall Marriott, J.D.Willms, Стефания Капогна, В.И.Вовна каби хорижлик олимлар томонидан тадқиқ этилган.

Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат педагогика университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг ИТД-5-42 «Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш муассасаларида шахсга йўналтирилган электрон медиатаълим муҳитини шакллантиришнинг методик тизимини яратиш» (2012-2014 йй.), А-1-116 «Таълимни ахборотлаштириш шароитида олий таълим муассасалари педагоглари креатив салоҳиятини ривожлантиришнинг методик тизимини ишлаб чиқиш» (2015-2017 йй.) ва ЁА-5-5 «Ўқув жараёнига мослашувчи Web тизимини яратиш» (2016-2017 йй.) лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади академик лицейлар фаолиятини ахборот-коммуникация технологиялари асосида бошқариш тизимини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

интеграллашган ахборот-таълим муҳитини шакллантиришга йўналтирилган электрон тизимнинг мазмуни ва ташкилий тузилмасини аниқлаштиришга оид педагогик-психологик адабиётларни таҳлил этиш;

электрон ахборот-таълим муҳитининг таркиби ва мазмунини аниқлаштириш;

академик лицейларда таълим-тарбия жараёнини ташкиллаштириш ва назорат қилиш мониторингини шакллантириш;

таълим жараёнини ахборотлаштиришнинг модернизациялашган электрон дидактик таъминотини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти академик лицейлар фаолиятини ахборот-коммуникация технологиялари асосида бошқариш жараёни.

Тадқиқотнинг предмети академик лицейлар фаолиятини ахборот-коммуникация технологиялари асосида бошқариш мазмуни, шакл ва воситалари.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мақсадига эришиш ва қўйилган вазифаларнинг ечимини топиш учун умумилмий (тарихий, биографик, контент-таҳлил), моделлаштириш (лойихалаш), социометрик (тест, электрон сўров, суҳбат), педагогик кузатиш ва тажриба-синов методларидан фойдаланилди.

Тадқиқотининг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

академик лицейлар фаолиятини ахборот-коммуникация технологиялари асосида бошқаришнинг интеграллашган ахборот-таълим муҳитини шакллантиришга йўналтирилган электрон тизимнинг мазмуни ва ташкилий тузилмаси яратилган;

академик лицейлар фаолиятини ахборот-коммуникация технологиялари асосида бошқариш тизими мазмуни ва компонентлари аниқлаштирилган;

академик лицейлар фаолиятини ахборот-коммуникация технологиялари асосида бошқариш динамикасини доимий кузатиб бориш имкониятини берувчи методик ёндашув жорий этилган;

таълим жараёнини ахборотлаштиришнинг модернизациялашган электрон дидактик таъминотини такомиллаштириш асосида академик лицейлар фаолиятини бошқариш яхлит педагогик тизим сифатида таклиф этилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

академик лицейлар фаолиятини бошқаришга хизмат қиладиган интеграллашган электрон ахборот-таълим муҳити шакллантирилган;

академик лицейлар фаолиятини бошқариш самарадорлигини баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилган;

виртуал таълимнинг педагогик имкониятлари аниқлаштирилган;

академик лицейлар фаолиятини бошқаришнинг дастурий платформаси таълим амалиётига жорий этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги билиш назарияси методологияси (билишнинг диалектик методи, ўқув фанлари, жамият ва табиат ҳодисаларини таҳлил қилишга тизимли ёндашув) ҳамда академик лицейлар фаолиятини ахборот-коммуникация технологиялари асосида бошқариш соҳаси республикамиз ва хорижий давлатлар олимлари, шунингдек, амалиётчиларнинг ишларига асосланилгани; тадқиқот вазифаларига мос келувчи, ўзаро бир-бирини

тўлдирадиган тадқиқот методларининг қўллангани; таҳлил ва тадқиқот тавсифининг миқдор ва сифат жиҳатидан таъминланилгани, хулоса ва таклифларнинг амалиётга татбиқ қилингани ва ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти таклиф этилган академик лицейлар фаолиятини АКТ воситасида бошқариш модели, тизим ва дастурлар асосида академик лицейларни бошқариш жараёнига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этилгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, улар академик лицейлар фаолиятини ахборот-коммуникация технологиялари асосида бошқаришнинг электрон-методик таъминотини яратиш, илғор таълим технологияларини жорий этишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Педагог кадрлар малакасини ошириши ва уларнинг касбий фаолияти мониторингини ташкил этиш бўйича ишлаб чиқилган услубий ва амалий таклифлар асосида: академик лицейлар фаолиятини ахборот-коммуникация технологиялари асосида бошқаришнинг интеграллашган ахборот-таълим муҳитини такомиллаштиришга оид таклифлар академик лицейлар учун мўлжалланган “Информатика ва ахборот технологиялари” фани бўйича Давлат таълим стандарти ва малака талаблари мазмунига сингдирилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 10 июлдаги 89-03-2587-сон маълумотномаси). Мазкур таклифлар академик лицейлар фаолиятини ахборот-коммуникация технологиялари асосида бошқариш жараёнини такомиллаштиришга хизмат қилган; академик лицейлар фаолиятини ахборот-коммуникация технологиялари асосида бошқариш тизими мазмуни ва компонентларига оид таклифлар “Информатика ва ахборот технологиялари” дарслиги мазмунига сингдирилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 10 июлдаги 89-03-2587-сон маълумотномаси). Мазкур таклифлар академик лицейлар фаолиятини бошқариш самарадорлигини оширишга хизмат қилган; академик лицейлар фаолиятини ахборот-коммуникация технологиялари асосида бошқаришни жорий этиш бўйича таклифлар ИТД 17 – 069 рақамли “Олий таълим муассасаларининг ягона ахборот электрон тизимини яратиш ва жорий этиш” номли грант доирасида белгиланган вазифаларни бажаришда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 10 июлдаги 89-03-2587-сон маълумотномаси). Мазкур таклифлар академик лицейлар фаолиятини бошқаришда замонавий технологияларга асосланган тизимни жорий этишга замин яратган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та халқаро ва 12 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 30 та илмий иш, жумладан, Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш

тавсия қилинган илмий нашрларда 12 та мақола, шундан, 7 таси республика ва 5 таси хорижий журналларда нашр этилган, 1 та муаллифлик гувоҳномаси олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 122 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети белгиланган, тадқиқот ишининг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Академик лицей фаолиятини бошқаришнинг назарий-методологик асослари**» деб номланган биринчи бобида академик лицейлар таълим-тарбия ва бошқарув жараёнларига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш назарияси таҳлили натижасида ўқувчилар билим, кўникма ва малакаларини шакллантириш жараёнларини ахборотлаштиришнинг яхлит тизимини яратиш таълим сифатини оширишнинг зарурий шарти сифатида асосланган.

Диссертация тадқиқоти доирасида ўрта махсус касб-хунар таълими тизимида фан, техника ва технологик тараққиётнинг бугунги даражаси билан ўқитувчиларнинг касбий тайёргарлиги сифатини такомиллаштириш жараёни орасидаги мавжуд номувофиқлик аниқланди, уни бартараф этишда замонавий ахборот технологияларини кенг миқёсда жорий этиш муаммосининг янада долзарблик касб этаётганлиги асосланди.

Аниқланган муаммони назарий ҳамда амалий жиҳатдан асослаш, шунингдек, академик лицейлар таълим-тарбия ва бошқарув жараёнида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишнинг истиқболли йўналишларини белгилаш, республика академик лицейларнинг намунавий ахборот-таълим сайтини ҳамда у орқали академик лицейнинг ягона электрон ахборот-таълим муҳитини яратиш, замонавий ахборот технологияларини ўқувчиларнинг билим тайёргарлигини такомиллаштирувчи омил сифатида жорий этиш, электрон-мультимедиали ўқув-методик мажмуалар яратиш ва улардан таълим жараёнида самарали фойдаланишни таъминлаш академик лицейда таълимни ахборотлаштириш учун педагогик шарт-шароит яратиши исботланди.

Таълим-тарбия жараёнларини ахборотлаштириш педагогик-психологик мақсадларни амалга оширишга йўналтирилган замонавий ахборот технологияларини ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланишни назарда тутди. Бу жараён замонавий ахборотлашган жамиятда шахсни ривожлантириш мақсадида таълим-тарбиянинг ташкилий шакллари, методлари, мазмунини танлаш ва

методологиясини такомиллаштириш ҳамда ўқувчининг интеллектуал салоҳиятини ривожлантиришни назарда тутди.

Таълимнинг тарбиявий ва ривожлантирувчи вазифаларга йўналтирилганлик принципига кўра, ўқувчиларда маълум билим, кўникма ва малакаларни шакллантираётиб, аниқ бир мавзу бўйича дарснинг тарбияловчи ва ривожлантирувчи салоҳиятидан самарали фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини назорат қилишнинг асосий мақсади улар эришган ютуқлар ва муваффақиятларини аниқлаш, уни такомиллаштириш йўллари кўрсатиш ва шу асосда ўқувчиларнинг фаол ижодий фаолият кўрсатиш учун шароит яратишдан иборат. Бу мақсад, бир томондан, ўқувчилар томонидан ўқув материалларини ўзлаштириш сифати, яъни ўқув дастурида белгиланган билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш даражаси; иккинчи томондан, назоратнинг асосий мақсадини аниқлаштириш, ўзаро ва ўз-ўзини назорат қилиш бўйича ёндашувларни ўрганиш ҳамда ўзаро ва ўз-ўзини назорат қилишга бўлган эҳтиёжнинг шаклланиши билан боғлиқ. Учинчидан эса, бу мақсад ўқувчиларда бажарилган иш учун жавобгарликнинг намоён бўлиши каби шахснинг ижобий сифатларини тарбиялашга қаратилади.

Билимларни назорат қилишда унинг прогностик вазифаси таълим-тарбиявий жараён, унинг келажаги, яъни олдиндан кўра билиш мумкин бўлган ҳолати тўғрисида ахборот олишга хизмат қилади.

Ўқувчиларни назорат қилишнинг бошқа бир муҳим вазифаси уларни тарбия қилиш билан боғлиқ бўлиб, уларда ўқишга жавобгарлик, интизом, саранжомлик ва софлик ҳис-туйғуларини тарбия қилади. Уларда меҳнатга лаёқат, ғурур ва ирода, меҳнат кўникмаларини шакллантиради.


Замонавий ахборот технологияларининг таълим ва тарбия ишлари тизимида қўлланиши айрим мавжуд тушунчаларни ҳам мазмунан, ҳам моҳиятан қайта кўриб чиқишни тақозо этди. Шу боис тарбия жараёнларини ташкил этишга комплекс ёндашувни амалга ошириш бошланди. Таълим ва тарбия мураккаб жараён бўлиб, унда таълим муассасаси жамоаси, мураббий ва ўқувчиларнинг ўзаро муносабатидаги яхлитлик таъминланади. Эндиликда ушбу жараён электрон форматдаги тарбия ресурслари – расмий Веб-сайтлар, электрон форматдаги адабиётлар, аудио ва видео материаллар, ўргатувчи компьютер дастурлари билан уйғунлашиб бормоқда. Бу вазиятда таълим-тарбия жараёнлари кўпроқ ўқувчининг ички имкониятлари, интеллектуал салоҳияти, ахборотни қабул қилиш ва ўзлаштириш қобилиятларига бевосита боғлиқ бўлмоқда.

Электрон форматдаги тарбия ресурсларининг афзалликлари қаторига ахборотларнинг жамлангани, кўргазмалилиги, яъни турли хил тақдим этиш имкониятларининг мавжудлиги, анимациялардан фойдаланилгани, таълим-тарбия олувчиларнинг ёши ва физиологик хусусиятларига мос ахборотларни тақдим этиб бориш жиҳатларини киритиш мумкин. Бу ресурслар ўқувчининг ижодий фикрлаши, тарбиявий кўникма ва малакаларини ривожлантириш орқали ресурсларни ҳар томонлама ва чуқур ўзлаштириш имконияти мавжудлиги билан алоҳида аҳамиятга эга.

Таъкидлаш жоизки, таълим ва тарбияга оид электрон форматдаги ресурслар педагоглар имкониятларини оширувчи восита бўлиб хизмат қилади, лекин улар педагог ўрнини боса олмаслиги табиий. Маълумки, педагогик тадқиқотларда кўпроқ дидактика, яъни ўқув материали мазмунини асослаш, ўқитишнинг ташкилий шакллари ва методларига асосий эътибор қаратилади. Ўқитиш жараёни ўқув материалининг изчиллиги ва тизимлилиги, кўргазмалилиги, тушунарлилиги, илмийлиги каби дидактик тамойилларга асосланади. Электрон форматдаги таълимий ва тарбиявий ресурслар ҳам қайд этилган принциплар асосида яратилади. Улар анъанавий тарбиявий фаолиятнинг кетма-кетлиги ва изчиллигини инкор этмайди, балки унинг мазмунини замонавий компьютер технологиялари асосида тўлдиради. Шу сабабдан ахборот технологиялари воситаларини таълим муассасаларининг таълимий ва тарбиявий ишлар тизимига жорий этиш жараёни интегратив характерга эга.

Баён қилинганлардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ахборот технологияларини таълим муассасаларида таълим-тарбия ишларини бошқариш тизимида қўллаш, бир томондан, мураббийларнинг ресурсларни ўзлаштириш даражаси ошиши, иккинчи томондан, ўқувчиларнинг маънавий-ахлоқий фазилатлари, уларнинг маънавий камолоти даражаси тўғрисида маълумотлар олиш, уларнинг динамикасини кузатиш, башоратлаш, зарур ҳолларда тузатишлар киритиш кабилар учун имкониятлар яратади. Буларнинг барчаси таълим муассасаси таълимий-тарбиявий тизимини такомиллаштириш ва унинг самарадорлигини оширишга қаратилган воситалардир.

Таълимни ахборотлаштиришнинг тараққиёт йўналишларини таҳлил этиш асосида академик лицейлар фаолиятини ахборот-коммуникация технологиялари воситасида бошқаришнинг қуйидаги асосий компонентлари аниқлаштирилди (1-расмга қаранг).



1-расм. Академик лицейлар фаолиятини ахборот-коммуникация технологиялари воситасида бошқариш тизими

Академик лицейнинг таълим ва тарбия жараёнларини бошқаришда замонавий ахборот-коммуникация тизимларидан фойдаланиш лицейнинг бошқарув жараёнига самарали таъсир этади. Бунда,

1. Академик лицейда ҳужжатлар билан ишлаш самарадорлиги ошади. Академик лицей бошқарувига доир ахборотлар ҳажмининг катталиги фойдаланувчида катта ахборотлар билан ишлаш малакасининг юқори бўлишини талаб этади.

Бундай малаканинг шаклланиш жараёни катта меҳнат ва вақтни талаб этади. Тизимлаштирилган бошқарув ҳужжатлари ва ахборотлари уларни қабул қилиш, қайта ишлаш ҳамда узатиш жараёнларини самарали кечишини таъминлайди.

2. Бошқарув қарорларини қабул қилиш учун етарли ахборотларни тақдим этиш имконияти пайдо бўлади. Юқоридаги фикрларнинг давоми сифатида қайд этиш лозимки, тизимлаштирилган ва тартибга келтирилган ахборотлар бошқарув қарорларини қабул қилишда катта аҳамиятга эга бўлиб, етарлича маълумотларни ўзида мужассамлаштиради. Раҳбарнинг тўғри қарор қабул қилиши осонлашади.


3. Бошқарувнинг ахборот таъминоти ривожланади. Академик лицей бошқарувчисида ўз ходимлари, уларнинг маълумотлари, касбий малака тоифалари, қизиқишлари, қобилиятлари ҳақида, фан кафедралари, фанлар юзасидан методик бирлашмалар, гуруҳлар, ўқувчилар, аудиториялар, бинолар, хуллас, академик лицейга оид барча ахборотларни мужассамлаштирган базанинг шаклланиши асосида бошқарув жараёнининг ахборот таъминоти яратилади. Бу эса, ўз навбатида, бошқарувчи фаолиятининг ўзига хос қирраларини намоён этиб, унинг иш жараёнини ҳам енгиллаштиради, ҳам такомиллаштиради.

Академик лицейда замонавий бошқарув жараёни бошқарув қарорларини қабул қилиш мақсадида ахборот тўплаш, қайта ишлаш ва узатиш, бошқарув буйруқлари кўринишида ахборот бериш ва уни ижрочиларга етказишдан иборат.

Бунда ахборотнинг қуйидаги турлари фарқланади: статистик, тезкор, иқтисодий, ҳисоб, молия, таъминот, кадрлар бўйича, технологик, конструкторлик, маркетинг, ижтимоий ва бошқалар.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Академик лицейлар фаолиятини бошқаришнинг электрон-дастурий таъминоти**» деб номланиб, унда, жумладан, таълим муассасаларида ўқув-тарбиявий жараёнларга ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш борасида муайян натижаларга эришилганига қарамасдан, бу борадаги илғор тажрибаларни умумлаштириш ва ривожлантириш асосида академик лицейнинг ягона ахборот-таълим муҳитини яратиш, таълим сифатини оширишга қаратилган ягона ахборот-таълим маконининг ресурсларидан фойдаланиш методларини ишлаб чиқиш билан боғлиқ вазифалар ўзининг тўлақонли ечимини топмаганлиги асосланди.

Ахборот-коммуникация муҳитининг асосий жиҳатлари ишлаб чиқилган академик лицей фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш бўйича фаолиятнинг ўзига хосликларини акс эттирувчи умумлашган моделда ўз ифодасини топди (2-расмга қаранг).



2-расм. Академик лицейларнинг фаолиятини АКТ асосида бошқариш тизими модели

Тизимли ва синергетик ёндашувлар, шунингдек, ахборот-коммуникация технологияларининг имкониятлари ва ўзига хосликлари асосида ахборот-коммуникациялар муҳитини шакллантириш, ўқув жараёнида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишнинг қатор тамойиллари ишлаб чиқилди:

мослик тамойили: АКТдан фойдаланиш академик лицейнинг маълум бир фаолият соҳасига мос бўлиши зарур;

визуаллик тамойили: компьютер ва бошқа ахборот технологиялари воситалари визуал имкониятларидан максимал фойдаланиш;

билиш воситаси сифатида АКТдан фойдаланиш: таълим тизимида ахборот-коммуникация технологияларидан ўқиш, бошқариш билан бирга билиш воситаси сифатида қўллаш;

АКТ тадқиқида мустақиллик тамойили: ўқувчиларнинг дастурий воситалар билан мустақил ишлашини ташкил этиш;

бўлғуси ўқув ва касбий фаолиятида АКТдан фойдаланишга йўналганлик тамойили;

ўқув жараёнида АКТдан фойдаланиш тамойили.

Тизимли ёндашув нафақат мазкур тамойилларни амалга оширишни, балки ўқув жараёнида АКТдан фойдаланишни синергетик асослаш, дидактик стратегиялар тузилмасида ахборот технологиялари интеграциясини таъминлайди:

компьютердан билиш воситаси сифатида фойдаланиш йўналтирилган таълим стратегияси;

компьютердан ўқувчиларнинг алгоритмик фикрлашини шакллантириш учун фойдаланишга йўналтирилган таълим стратегияси;

компьютердан моделлаштириш, тажриба ўтказиш воситаси сифатида фойдаланиш йўналтирилган таълим стратегияси;

АКТдан ижодий фикрлаш ва ўқув фаолиятига эмоционал муносабатни ривожлантириш воситаси сифатида фойдаланишга йўналтирилган таълим стратегияси.

Ўқув жараёнида мустақил таълим салмоғининг ортиши, янги ахборот-таълим ресурсларининг шаклланаётгани, уларни таълим жараёнини оптималлаштириш ва интенсивлаштириш омили сифатида амалиётга жорий этилаётганини эътиборга олган ҳолда инновацион технологияларни ўқув жараёнига татбиқ этиш, таълим жараёни қатнашчиларининг ўзаро алоқасини, таълим жараёнини электрон таълимий ва тарбиявий ресурслар билан

таъминлаш, ахборот ва таълим технологияларини ривожлантириш ва такомиллаштириш мақсадида академик лицейлар учун намунавий ягона ахборот-таълим макони – www.uzmu2al.uz сайти яратилди.

Республикада ўрта-махсус, касб-хунар таълими сифатини ошириш, ўрта-махсус, касб-хунар таълими тизимининг Интернет тизимидаги ахборот-таълим ресурсларини яратишга қаратилган республика академик лицейларининг намунавий сайти дастурий платформаси таркиби ва тузилмаси ишлаб чиқилди. Ушбу платформанинг тузилмасига ягона электрон таълимий, тарбиявий ва илмий ресурслар, ягона битирувчилар базаси ва ОТМлар ҳақида маълумот бериш тизими, масофавий таълим ресурслари, масофавий малака ошириш курслари, электрон ўқув-методик мажмуалар, ёш ўқитувчиларни методик қўллаш электрон тизими, электрон конференция-форум, республикада академик лицей таълимини электрон тарғибот тизими киритилганлиги ҳамда мазмунан асосланганлиги тадқиқот натижаларининг таълим амалиётига тезкор татбиқ этиб бориш имкониятини яратди (3- расмга қаранг).

BIZ HAQIMIZDA	ME'YORIY HUUJATLAR	O`QUV JARAYONI	O`QISHGA KIRUVCHI O`QUVCHILAR UCHUN	O`QITUVCHILAR UCHUN	ELEKTRON KUTUBXONA	XALQARO ALOQALAR
Al haqida umumiy ma'lumotlar (tashkil etilishi, guvohnomasi, ustavi, rasmiy rekvizitlari, tuzilmasi)	DTS, namunaviy va ishchi o'quv rejalar	O'zlashtirish monitoringi	AL bukleti	Mehnat shartnomalari ko'rinishi	Darsliklar	Tadbirlar
Rahbariyat haqida ma'lumot	O'quv dasturlari, taqvimiy rejalar	Dars jadvali	Qabul maslahat guruhi haqida	Malaka oshirish bo'yicha ma'lumotlar	Ma'ruza matnlari	Xalqarokonferensiya
Pedkengash tarkibi va rejasi				Ochiq darslar	O'quv uslubiy qo'llanmalar	
Kafedralar				Innovatsion faoliyat	Laboratoriya ishlari	
Xujjatalmashish					Bitiruv mala-kaviy ishlar	
					Audioteka	
					Videoteka	
					Badiiy asarlar	
					Mustaqil ta'lim resurslari	
SIRTQI OLIMPIADA	MA'NAViy FAOLIYAT	TARBIYA	JAMOAT TASHKILOTLARI	MASOFAYIV TA'LIM RESURSLARI	OTA-ONALAR UCHUN	FOYDALI MA'LUMOTLAR
Fanlar	Davlat ramzlari	Tarbiyaga oid electron resurslar	Akademik litsey Yoshlar ittifoqi	Masofaviy kurslar	O'quvchilar haqida ma'lumotlar	OTMlar haqidama'lumot
Testlar	Sport tadbirlari	Hadislaridan namunalar	AL xotinqizlar qo'mitasi faoliyati	Fanlarda n modullar	O'zlashtirish ekrani	O'quvchilar haqidama'lumot
Tops hiriqlar	Madaniy tadbirlar				Guruh murabbiylari bilan yozishmalar	Saytxaritasi
	O'quvchilar kiyinish tartibi					Xabarqoldirish
	Bizning faxrimiz					Fotogaleriya

3-расм. Академик лицей ахборот-таълим мухитининг намунавий платформасининг структураси

Дастурий платформанинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланди: республика академик лицейларининг ягона электрон ахборот-таълим муҳитини яратиш; бирлаштирилган электрон таълимий ва илмий ресурслар асосида академик лицейларнинг ягона телекоммуникация тармоғини шакллантириш; ягона ахборот-таълим муҳитида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишнинг педагогик асосларини яратиш; таълим-тарбиявий, ахборот-таълим ресурсларидан оммавий фойдаланиш, академик лицей таълими мазмуни бўйича ахборотлар очиклигини таъминлаш ҳамда академик лицей таълимининг электрон тарғибот тизимини амалиётга жорий этиш; масофавий таълим ўқув-методик таъминотини шакллантириш; ягона битирувчилар базаси, педагог кадрларга буюртма бериш, ёш ўқитувчиларни методик қўллаш электрон тизимини жорий этиш. Ахборот-таълим муҳитининг фаолияти мазмуний, ташкилий ҳамда методик таъминот босқичларининг ўзаро боғлиқлигида амалга ошириш кўрсатиб берилди. Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг ягона электрон ахборот-таълим муҳити таълим жараёни қатнашчиларининг самарали ўзаро манфаатли алоқасини таъминловчи, фанлардан интеграллашган ахборот-таълим ресурсларидан ҳамкорликда фойдаланиш имкониятини берувчи, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантирувчи омил сифатида ахборот-таълим ресурсларининг очик тизимини шакллантирди.

www.uzmu2al.uzнинг асосий менюсида «Biz haqimizda», «Ma'naviy faoliyat», «Jamoat tashkilotlari », «Elektron kutubxona», «Xalqaro aloqalar», «Sirtqi olimpiada», «Masofaviy ta'lim resurslari», «Foydali ma'lumotlar», «Ota-onalar uchun», «Forum» саҳифалари жойлаштирилган. Сайтнинг юқори менюсида «Me'yoriy hujjatlar», «O'qishga kiruvchilar uchun», «O'qituvchilar uchun» саҳифалари жойлаштирилган. Тизимга кириш ва унинг маълумотларидан фойдаланиш очик бўлиб, фойдаланувчи тизимга кириш учун рўйхатдан ўтиши талаб қилинмайди. Бу эса ўқувчиларнинг бемалол тизимдан фойдаланиши учун имкон яратади. Асосий менюнинг юқори қисмидан академик лицей ҳаётига доир янгиликлар ўтиб туради ва гипермуружаат амаллари билан уларнинг тўлиқ матнини ўқиш мумкин. Академик лицей ўқувчиларининг фан асосларини чуқур эгаллаши, ўқитувчиларнинг дарс жараёнига тайёргарлик кўриши учун зарур ўқув-меъёрий ҳужжатлар, жумладан, Давлат таълим стандартлари ва ўқув режалар, ўқув дастурлари ва таквим режалар «Me'yoriy hujjatlar» саҳифасидан ўрин олган. Ушбу меъёрий ҳужжатлар академик лицей ўқитувчиларига таълим бериш жараёнининг самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Диссертациянинг **учинчи боби «Педагогик тажриба-синов натижалари таҳлили»** деб номланган. Унда академик лицейнинг ахборот-таълимий муҳитини яратиш учун энг асосий масъулиятни зиммасига оладиган ўқитувчиларнинг ўзлари ҳам информатика ва дастурлаш тиллари ҳамда дастурий воситалардан хабардор бўлиши шарт экани асослаб берилди. Академик лицей ўқитувчилари ва раҳбар ходимлари лицей фаолиятини ахборот-коммуникация технологиялари воситасида бошқаришда қуйидаги компетенцияларга эга бўлиши талаб этилиши аниқланди: академик лицей ахборот-таълим муҳитининг (АЛ АТМ) гиперматн ҳужжатларини ишлаб чиқишда Microsoft Front-Page (HTML-Hyper Text Markup Language), Alliare Home Site (HTML), Microsoft Power

Point, Microsoft Word каби дастурий воситалардан фойдалана олиш; фан мавзуларига оид асосий ўқув материални яратишда растрли ёки векторли расмлар билан ишловчи дастурлардан фойдаланиш (улар қаторига Corel Draw, Corel Xara, Corel Photo Paint, Adobe Photo Shop, Adobe Illustrator ва ш.к.); динамик иллюстрацияли ўқув материаллари ярата олиш (Disreet 3D Studio MAX, Alais Wave Front, Maya, Light Wave, SoftImage 3d, Adobe Image Ready, Gif Animator, Macromedia Flash, Adobe Premier каби махсус дастурлардан бирида ишлай олиш); овозли жараёнларни тақдим этиш ва овозни таҳрир қилиш (SonicFoundry SoundForge, Wave Lab, Sound Recorder ва бошқ.) дастурларидан фойдалана олиш; маълумотлар базасини яратиш ва ундан фойдалана олиш (Microsoft Excel, Microsoft Access каби дастурлар ёрдамида). АЛ АТМни Интернет тармоғига жойлаштириш: HTML гиперматн ҳужжатларидан фойдаланилади, чунки у Интернет тизимининг гиперматнли тили ҳисобланади ҳамда унда яратилган ҳужжатларни ўқиш дастури Microsoft Windows нинг операцион тизими таркибига қиради. Таъкидлаш жоизки, бунда ахборот-таълим муҳитининг имкониятлари ва мукамаллиги фақат дастурчининг қобилият даражаси билан чегараланади (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал

Академик лицейларнинг фаолиятини АКТ асосида бошқариш мезонлари самарадорлиги

№	Фаолият турлари	Мезонлар	Респондентлар сони	Фойдаланиш даражаси % ҳисобида	
				Тажриба бошида	Тажриба охирида
1.	Ижтимоий буюртмага доир фаолият	Ахборот ва коммуникация технологияларига аксиологик муносабатнинг шаклланганлиги	90	51%	78%
		Коммуникацион ва информацион маданиятни шаклланганлиги	90	53%	81%
2.	АЛнинг ички бошқаруви-га доир фаолият	Академик лицей фаолиятини бошқаришда ахборот-коммуникацион технологиялардан фойдаланиш ҳолати	90	45%	74%
		АКТдан фойдаланишга доир компетенцияларнинг шаклланганлиги	90	54%	79%
3.	Информацион инфраструктурани таркиб топтириш	АКТ доирасида интеграллашган курслардан фойдаланганлиги	90	49%	68%
		Узлуксиз таълим ва мустақил таълим муҳитининг яратилганлиги ва ундан фойдаланиш ҳолати	90	38%	57%
4.	Информатика/ бошқа фанларни ўқитишга доир фаол.	Академик лицейда информатика ва АТни соҳаларга йўналтириб ўқитиш имкониятларининг мавжудлиги	155	35%	65%
		АКТ воситасида фанларни ўқитиш усулларини интеграциялаш ҳолати	155	31%	57%

Академик лицей таълим жараёнларини ахборотлаштириш даражасини аниқлаш учун таълим муассасасининг АКТ воситалари билан таъминланганлиги, таълим муассасасида компьютерларни таъмирлаш ва уларнинг техник ҳолати назоратини акс эттирувчи мезонлар ишлаб чиқилди.

Ушбу фаолият ва мезонлардаги кўрсаткичлар қуйида келтирилган вазифалар доирасида амалга оширилди: академик лицейларнинг Интернет тизимидаги портали ахборот-таълим ресурсларидан фойдаланишни ташкил этиш; таълим жараёнида ўқитувчи ва ўқувчиларни ахборот технологияларини жорий этиш бўйича ишланмалар билан таъминлаш, фаолият мазмунига замонавий ахборот технологияларини жорий этиш, ўқувчилар ўзлаштириш даражаси мониторинги электрон тизимини жорий этиш.

Тадқиқотнинг тажриба-синов базаси сифатида Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университети қошидаги 2-сон академик лицей, Термиз давлат педагогика университети қошидаги академик лицей, Қарши давлат университети қошидаги академик лицей, танлаб олинган бўлиб, унда 250 нафар раҳбар ходимлар (директор, директор ўринбосарлари ва кафедра мудирлари), ўқитувчилар ва ўқувчилар иштирок этди. Ҳар бир таълим муассасасида қатнашган респондентлар сони қуйидаги жадвалда келтирилган (2-жадвалга қаранг).

2-жадвал

Тадқиқотда қатнашган респондентлар сони

№	Таълим муассасалари номи	Раҳбар ходимлар	Ўқитувчилар	Ўқувчилар
1.	Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университети қошидаги 2-сон академик лицей	10	22	49
2.	Термиз давлат университети қошидаги академик лицей	10	22	52
3.	Қарши давлат университети қошидаги академик лицей	10	21	54
	Жами	30	65	155

Ўқувчиларнинг билиш фаолиятини бошқаришда замонавий ахборот технологияларини жорий этиш мақсадга мувофиқ. Бу кўпинча информатика ва ахборот технологиялари фанини ўқитиш давомида амалга оширилади. Шу фанни ўқитиш яратилган платформадан фойдаланган ҳолда олиб борилди. Тажриба-синов ишларига информатика ўқитувчилари ва лицей ўқувчилари жалб этилди.

Бунда раҳбар ходимлар ва ўқитувчиларнинг ўз касбий фаолияти ва бошқарув жараёнида ахборот-коммуникация технологиялари воситаларидан фойдаланиш даражаси аниқланди. Улар «юқори», «ўрта» ва «паст» мезонлари бўйича баҳоланди.

Тажриба-синов бошида ва охирида раҳбар ходимлар ва ўқитувчиларнинг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш даражалари қуйидаги жадвалда ўз аксини топди (3-жадвалга қаранг).

Раҳбар ходимлар ва ўқитувчиларнинг ахборот-коммуникация технологиялари воситасидан фойдаланиш самарадорлиги

	Таълим муассасалари		Баҳолаш даражалари		
			Юқори (5)	Ўрта (4)	Паст (3)
1.	Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университети қошидаги 2-сон академик лицей	Тажриба бошида	2	9	21
		Тажриба охирида	8	16	8
2.	Термиз давлат университети қошидаги академик лицей	Тажриба бошида	2	10	20
		Тажриба охирида	9	15	8
3.	Қарши давлат университети қошидаги академик лицей	Тажриба бошида	3	7	21
		Тажриба охирида	7	16	8
	Жами:	Тажриба бошида	7	26	62
		Тажриба охирида	24	47	24

Педагогик тажриба ва унинг натижаларини қайта ишлаш тўрт босқичда амалга оширилди.

Тажриба мақсадларини амалга ошириш учун юқорида танлаб олинган таълим муассасаларидаги ўқувчиларнинг таълим-тарбия жараёнида академик лицей ахборот-таълим муҳитидан фойдаланиши ўрганилди.

Лицейларнинг 2-курсларидан 2 тадан гуруҳ танлаб олиниб, назорат ва тажриба гуруҳларига ажратилди. 3 лицейдан жами 155 нафар ўқувчи педагогик тажрибада-синов ишларида иштирок этди. Бу ўқувчилар ҳамда академик лицей ўқитувчилари билан тажриба-синов жараёни бошида анкета, тест сўровномалари ўтказилиб, уларнинг таълим-тарбия жараёнида ахборот таълимий ресурслар (ахборот-таълим порталлари, фанлардан таълимий сайтлар, электрон ўқув мажмуалари, электрон дарсликлар ва ҳ.о.) дан фойдаланиш самарадорлиги аниқланди, натижалар қуйидаги жадвалда келтирилди.

Олинган натижалар 2 гуруҳга ажратилди. Бунда раҳбар ходимлар ва ўқитувчиларнинг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш жараёни ва лицей ўқувчиларини яратилган платформадан фойдаланган ҳолда ўқитиш натижаларининг самарадорлиги теширилди. Олинган натижаларнинг ҳаққонийлигини текшириш ва самарадорлик кўрсаткичини аниқлаш мақсадида математик статистика усулларидан фойдаланилади. Бундай усуллардан бири Пирсон критерийсидир. Юқоридаги келтирилган маълумотлар математик статистика усуллари ёрдамида таҳлил қилинди

Ҳар бир таълим муассасида ўтказилган тажриба-синов натижалари қуйидаги жадвалда келтирилди (4-жадвалга қаранг).

4-жадвал

Таълим муассасалари кесимида тажриба-синов ишлари статистик таҳлили

№	Таълим муассасалари	Вақти	Сони	χ^2	$T_{кр}$	Ўртача қиймат	Самардорлик коэффициенти	Хулоса
1.	Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университети қошидаги 2-сон академик лицей	ТБ	32	11,39	5,99	3,41	1,17	Н ₁
		ТО	32			4,00		
2.	Термиз давлат университети қошидаги академик лицей	ТБ	32	10,60	5,99	3,44	1,17	Н ₁
		ТО	32			4,03		
3.	Қарши давлат университети қошидаги академик лицей	ТБ	31	10,95	5,99	3,42	1,16	Н ₁
		ТО	31			3,97		
	Жами	ТБ	95	32,15	5,99	3,42	1,17	Н ₁
		ТО	95			4,00		


Раҳбар ходимлар ва ўқитувчилар ўртасида ўтказилган тажриба-синов ишларининг ўртача қийматлари қуйидаги диаграмма кўринишига эга бўлди (5-расмга қаранг).



5-расм. Раҳбар ходимлар ва ўқитувчилар ўртасида ўтказилган тажриба-синов ишларининг ўртача қийматлари

Таълим муассасалари раҳбар ходимлари ҳамда педагог кадрларининг компьютер техникаси ва ахборот-коммуникация технологиялари бўйича билим, кўникмалари ва малакаларини доимий равишда ошириб бориш мақсадида ўқув семинарлари ва ўқув курсларини ташкил этилди ва яратилган платформа орқали янги билимларни ўзлаштиришга қаратилган топшириқлар бериб борилиши натижасида уларнинг ўзлаштириш самарадорлиги ўртача 17 % га ошганлигини кўриш мумкин.

Статистик қиймат натижаларига кўра, тажриба охиридаги олинган натижалар тажриба гуруҳида самарадорлик юқори ва 18% га тенг экани математик статистика усуллари ёрдамида исботланди. Натижаларнинг самарадорлик бўйича диаграммаси қуйидагича кўринишга эга бўлди.



6-расм. Натижаларнинг самарадорлик кўрсаткичлари

Демак, тажриба гуруҳида ўртача баҳо кўрсаткичлари назорат гуруҳидаги ўртача баҳо қийматларидан катта. Бу эса академик лицейда компьютер технологияларига асосланган ахборот-таълим муҳити воситасида билим бериш методикаси анъанавий якка ўқитувчига асосланган ахборот-таълим муҳитисиз билим бериш методикасидан фарқ қилишини англатади. Юқоридаги ҳисоблар эса, академик лицейлар таълим-тарбия жараёнларида ахборот технологияларидан фойдаланиш самарали эканини тасдиқлайди. Академик лицейда ахборот-таълим муҳитидан фойдаланиш таълим-тарбия жараёнларига ижобий таъсир этиши исботланди.

ХУЛОСА

1. Тадқиқотлар ўрта махсус, касб-хунар таълим тизимида ўқув-тарбия жараёнларига ахборот технологияларини жорий этишнинг педагогик шарт-шароитлари етарлича ишлаб чиқилмагани ва алоҳида долзарблик касб этаётганини кўрсатди.

2. Аниқланган муаммонинг назарий ҳамда амалий жиҳатдан асослаш, хусусан, академик лицей таълим-тарбия жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишнинг истиқболли йўналишларини

белгилаш, академик лицейнинг ягона ахборот-таълим сайти ҳамда у орқали ягона электрон ахборот-таълим муҳитини яратиш, замонавий ахборот технологияларини лицей ўқувчиларининг билим сифатини такомиллаштирувчи омил сифатида жорий этиш, электрон-мультимедиали ўқув-методик ресурсларини яратиш ва уни таълим жараёнига жорий этишни таъминлаш ахборотлаштириш жараёнини жадаллаштириш учун зарур педагогик шарт-шароитлар яратади.

3. Академик лицей фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ишлари таҳлили натижасида ўқув-тарбиявий жараёнларни ахборотлаштиришнинг яхлит педагогик тизимини яратиш таълим сифатини такомиллаштиришнинг зарурий шarti сифатида асосланди.

4. Академик лицей таълим-тарбия жараёнлари самарадорлигини ошириш ҳамда замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг мазмунини ишлаб чиқишда лицейнинг педагогик-психологик, техник шарт-шароитлари ўрганилди, ахборот-коммуникация технологияларининг ўқув-тарбиявий жараён самарадорлигини оширишга қаратилган муҳим дидактик хусусиятлари аниқланди.

5. Диссертацияда дидактик талабларни инобатга олган ҳолда ахборот ресурслари интеграциясини таъминлайдиган ва ахборот инфраструктурасини яратишга имкон берадиган корпоратив ахборот муҳити ва унинг таркиби асосланди. Академик лицейнинг Интернет тизимидаги ахборот-таълим ресурсларини яратишга қаратилган сайти таркиби ва тузилмаси ишлаб чиқилди.

6. Амалга оширилган тадқиқот натижасида республикада таълимнинг Интернет тизимидаги ахборот-таълим ресурсларини жамлаш, тизимлаштириш, сақлаш ва етказишга қаратилган www.uzmu2al.uz сайтининг яратилиши қатор ўқув-тарбия масалаларини муваффақиятли ҳал этиш имкониятини берди.

7. Диссертация ишида академик лицейнинг замонавий ахборот технологиялари муҳитини яратишнинг ташкилий-педагогик омиллари асослаб берилди.

8. Академик лицейларда ахборот-коммуникация муҳитини ташкил этишга синергетик ёндашув имкониятларига таяниш лозим. Мазкур ёндашув ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш орқали юқори натижаларга эришиш имконини берадиган шахсий ресурсларини фаоллаштириш ҳисобига ўқувчиларнинг мустақил таълимга қобилиятлилигини тўлиқ рўёбга чиқариш имконини беради.

9. Академик лицейлар фаолиятини бошқаришда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш самарадорлиги кўп жиҳатдан таълим жараёни субъектларида ахборот-коммуникация технологияларига аксиологик муносабатни қарор топтириш, таълим муассасасида коммуникацион ва ахборот маданиятини ривожлантиришни тақозо этади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
DSc.27.06.2017.Ped.26.01 ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
ПЕДАГОГИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

ГАФУРОВА НОДИРА МИРХОСИЛОВНА

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ СИСТЕМЫ УПРАВЛЕНИЯ
ДЕЯТЕЛЬНОСТЬЮ АКАДЕМИЧЕСКИХ ЛИЦЕЕВ НА ОСНОВЕ
ИНФОРМАЦИОННО-КОММУНИКАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ**

13.00.06 – Теория и методика электронного образования

АВТОРЕФЕРАТ

**ДИССЕРТАЦИИ НА СОИСКАНИЕ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ
(PhD) ПО ПЕДАГОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2020

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мировых масштабах образовательный процесс системно интегрируется с информационно-коммуникационными технологиями и внедряется система управления им. В Европейских государствах, России, Южной Кореи, Японии, Малайзии и др. уделяется особое внимание информатизации дидактических процессов, формированию интегрированной информационно-образовательной среды, внедрению в практику механизмов разработки модернизированного электронного дидактического обеспечения образовательного процесса в условиях цифровой экономики.

В мире проводятся научные исследования в области определения стратегических направлений формирования электронной образовательной среды, систематическому развитию научного потенциала педагогических кадров, управления деятельностью образовательных учреждений на основе информационно-коммуникационных технологий в интегрированной информационно-образовательной среде, создания электронного дидактического обеспечения образовательного процесса. Вместе с тем, осуществляется научно-исследовательские работы по совершенствованию механизмов наблюдения за динамикой управления образовательными учреждениями, определению педагогических возможностей виртуального образования, созданию единой электронной образовательной системы образовательных учреждений, созданию нового поколения обучающих компьютерных программ.

В нашей республике разработаны нормативно-правовые основы внедрения интернет-технологий в образование, управления деятельностью образовательных учреждений на основе информационно-коммуникационных технологий. Принятие постановления Президента Республики Узбекистан №ПП-5080 от 18 сентября 2019 года «Об утверждении концепции единой информационной политики Республики Узбекистан» создало возможности для интенсивного осуществления политики информатизации в республике. Также, в Постановлении Президента Республики Узбекистан №ПП-2829 от 14 марта 2017 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности образовательных учреждений среднего специального, профессионального образования» определены приоритетные задачи по осуществлению эффективных процессов обучения-воспитания и управления, разработке для академических лицеев образовательного контента и методов обучения, соответствующих требованиям времени. В результате, созданы правовые основы коренных преобразований в образовательной сфере и созданы широкие возможности для информатизации среднего специального, профессионального образования.

Настоящее диссертационное исследование в определенной степени служит реализации задач, определенных в указах Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», №УП-5313 от 25 января 2018 года «О мерах

по коренному совершенствованию системы общего среднего, среднего специального и профессионального образования», Постановлении Президента Республики Узбекистан №ПП-3290 от 26 сентября 2017 года «О дальнейшем совершенствовании системы целевой подготовки кандидатов для поступления в высшие образовательные учреждения», а также в других нормативно-правовых актах, касающихся данной сферы деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики Узбекистан. Диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий в республике IV. «Информатизация и развитие информационно-коммуникационных технологий».

Степень изученности проблемы. В нашей республике исследования в области внедрения информационно-коммуникационных технологий (ИКТ) и управлению образованием проводились такими учеными, как А.Х.Абдуллаев, А.А.Абдукодиров, А.Р. Арипджанова, М.Арипов, Ш.С.Ахраров, Б.Бегалов, У.Ш.Бегимкулов, Ф.М.Закирова, Н.М.Тайлаков, Р.Г.Исянов, М.Х.Лутфуллаев, А.М.Магруппов, Ш.С.Шарипов, Р.Х.Хамдамов, С.С.Гуломов, Д.Н.Маматов, А.Р.Марахимов, С.Турсунов, М.Файзиева, Т.Т.Шоймардонов, Р.Х.Джураев, Г.А.Абдурахманов, З.Аббасов, Р.Ш.Ахлиддинов, Н.Н.Азизходжаева, Ю.М.Асадов, Ш.Э.Курбанов, У.И.Иноятлов, С.Т.Тургунов, Н.Г.Юсуфбекова, М.А. Юлдашев, Э.А.Сейтхалилов, Я.У.Исмадияров.

Ученые из стран СНГ: Л.И.Анциферов, В.А.Извозчиков, М.П.Лапчик, А.В.Смирнов, Н.Ф.Ильина, А.Н.Майоров, Л.В.Барт, А.Р.Сафиуллин, С.Е.Егорова и др. в своих исследованиях рассматривали различные теоретические и практические вопросы пользования компьютерными технологиями в образовании. Научные вопросы управления исследовали Р.Л.Дафт, М.Мескон, М.Альберт, Ф.Хедоури, А.Файоль, П.Друкер, Ф.У.Тейлор, В.Ю.Злыгостев, О.А.Хижинская, М.Уорнер, А.И.Кравченко и др.

Вопросы, связанные с информационными технологиями, педагогическим мониторингом, развитием креативного потенциала, форм дистанционного повышения квалификации рассматривали зарубежные ученые, как Adam Swinyard, Niall Marriott, J.D. Willms, Стефания Капогна, В.И.Вовна.

Связь темы диссертации с планами научно-исследовательских работ высшего образовательного учреждения, где выполнена диссертация. Диссертационное исследование выполнено в рамках проектов ИТД-5-42 «Создание методической системы формирования личностно-ориентированной электронной медиаобразовательной среды в учреждениях переподготовки и повышения квалификации педагогических кадров» (2012-2014 гг.), А-1-116 «Разработка методической системы развития ереативного потенциала педагогов высших образовательных учреждений в условиях информатизации образования» (2015-2017 гг.) и ЁА-5-5 «Создание адаптируемой к учебному процессу Web системы» (2016-2017 гг.) плана научно-исследовательских работ Ташкентского государственного педагогического университета.

